Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 16 август, сешанба № 129 (21.733). Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 август куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Р. Отунбоевани қабул қилди.

Суҳбатда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида имзоланган икки томонлама ҳужжатлар ҳамда ягона иқтисодий макон яратиш ҳақидаги шартномада белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Ислом Каримов иқтисодий интеграцияни кучайтириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш ҳозирданоқ яхши самаралар бера бошлаганини таъкидлади. Бу борадаги ишларни равнақ топтиришда икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари муҳим ўрин тутишини айтди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов иштирок этди.

* * *

Шу куни Р. Отунбоева Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов билан музокаралар ўтказди. Учрашувда икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан фикрлашиб олинди.

Учрашув чоғида Қирғизистон Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси С. Жигитов ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Суратда: қабул пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

Марказий Осиё-Америка тадбиркорлик жамғармаси раиси Стефан Соларз 14—15 август кунлари Бухорода бўлди.

Хорижлик меҳмон Бухоро вилояти ҳокимлигида қабул қилинди. Жаноб С. Соларз бухоролик тадбиркорлар билан ҳам учрашиб, аниқ режага эга, узоқни кўзлаб ишловчи кичик ва ўрта бизнес вакилларига иқтисодий ва

АМЕРИКАЛИК ТАДБИРКОРЛАР САФАРИ

техник ёрдам бериш ниятида эканини таъкидлади.

С. Соларз раҳбарлик қилган америкалик ишбилармонлар делегацияси Бухоронинг тарихий-меъморлик обидаларини кўздан кечирди, жумладан Файзулло Хўжаев уй-музейини зиёрат этди, шаҳарда олиб борилаётган қурилишлар билан танишди.

Бухоро сафари чоғида жаноб С. Соларзга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В. Чжен ҳамроҳлик қилди.

(ЎзА).

ИСТИҚЛОЛНИНГ ОДДИЙ ҲАҚИҚАТИ

Дунёда байрамлар кўп. Мамлакатда ҳам байрамлар кўп. Бир турфаси борки, ийди умумий, яъни — сизники ҳам, бизники ҳам.

Яна бир гап шуки, байрамни санадан фарқламоқ керак. Етмиш тўрт йил тугал саналарни санаб адоғига етмадик. Юртимиз манглайига қуллик тамғаси урилган саналарни ҳам миямизга байрам дея тиқиштирдилар. Биз ҳам уларнинг байрам эканига ишондик. Ҳар йили еттинчи ноябрь куни кўчаларни тўлдириб оққанимизга бугун ўзимиз ишонмай турибмиз.

Ёдингизда бўлса, аввалига Наврўз қайтиб келди. Наврўз учун курашда халқимизнинг истиқлолга ташналиги бўй кўрсатди. Наврўз тикланиши — халқимиз шаъни ва шавкати тикланиши жараёнида биринчи босқич бўлди. Шу сабаб, бу гўзал байрам биз учун ҳам баҳор ва ҳам озодлик учун курашиш тимсолига айланди.

Бор-йўғи уч йил ичида кўзқарашимиз бу қадар ўзгаради, деб ҳеч ўйламаган эдик. Бу ҳам — истиқлол шарофати. Истиқлол сабоқлари истиқлол нашидаси қадар зўр ва суръатлидир.

Диний байрамларнинг тикланиши ҳам миллий ғурур камолоти билан боғлиқ. Бугун ийди рамазон ҳам, ийд ал фитр ҳам истиқлолнинг узвий йўлдошлари каби идрок этилади.

Мустақиллик байрамининг аҳамияти нимада?

Бундай савол шаккоклик бўлиб туюлиши ҳам мумкин. Аммо шу хил савол мамлакат Президентининг тилида янграгани масала моҳиятига чуқурроқ боқишни тақозо этмайдими?

Дарвоқе, Президент бу саволни янада кескинроқ қўйди: **Ўзбекистон мустақиллиги кимга ва нима учун керак?**

Албатта, истиқлолни иймон иши деб тушунган ҳар бир инсон кўнглида бу саволга муносиб жавоблар бор.

Аммо бу савол энг чиройли жавобни топиш учун эмас, балки мустақиллик ва унинг муборак номини олган байрамнинг аҳамиятини яна бир карра баҳолаш учун айтилгани аниқ.

Президент таъкидладики, халқимиз бу муборак кунни неча асрлар давомида орзу этди, унинг бу орзу йўлида чеккан жафолари беҳисоб. Қадриятлар топталди, удумлар мазаҳ этилди, миллий онг заҳарланди. Дўппи кийган, рўмол ўраган ўзбек зоти борки, масхара қилинди, тазйиқ остига олинди.

Авваламбор, деди Президент, мустақиллик, бу — шу халқнинг, шу миллатнинг ўз тақдирини ўз қўлига олгани. Ўз урф-одатлари, удумларини тиклагани. Ўзига хос ва ўзига мос йўлни тутгани. Булар — оддий ҳақиқат. Буюк ҳақиқатлар шундай оддий бўлади. Буюк ҳақиқатлар турли чиройли сўзлар ва иборалар либосига бурканишга зор эмас.

Истиқлол, мустақиллик моҳияти шуки, у давлатни давлат этади, миллатни миллат этади, унинг шарофати билан давлати ва миллати қудратини англаган, сезган, онги ва иймони тугул, жисмининг ҳам ҳар бир ҳужайрасига сингдирган инсонлар авлоди нафақат ўзи, балки келажак авлодлар учун баркамол ҳаёт тузишга бел боғлайди.

Эл не деб топгай мениким, мен ўзимни топмасам.

Ҳазрати Навоий бу сўзларни худди миллатимизнинг бугунги кунини кўзлаб айтгандай. Унинг ёд этилмиш сатри бугун ҳар биримизнинг умримиз шиорига айланса арзигулик.

Озодлик боис, миллий мафкура, миллий онг тушунчалари қайтадан ва янгича шиддат билан жунбушга келди. Давлат, жамият, оила қадар барча ижтимоий қўламларга таъсир ўтказди. Мамлакат тараққиёти одимларини белгиловчи мезонга айланди.

Миллий мафкура — шунчаки тор тушунча эмас. Жамият мақсади **адолат** этиб олинган экан, мафкурамиз маҳдудлик ва биқиқликка рағбат бермайди. Мамлакат Президенти шу нуқтани алоҳида таъкидлаб айтдики, мана шу муқаддас заминда яшаётган, мана шу муқаддас заминни ўз Ватаним деб юракдан ҳис этган, шу ватан ўтмиши, бугуни ва келажагини ўйлаганда жони жизиллаб турган ҳар бир инсонга, унинг миллати ва мазҳабидан қатъи назар, муносиб ҳаёт қурмоқ керак.

Бунинг учун замин бор. Замин шуки, улуғ тарихимиз, чексиз маънавий меросимиз, моддий бойлигимиз, меҳнатдан қочмайдиган заҳматкаш халқимиз бор.

Буларнинг бариси бир-бирига зарб этилса, шундай қудратли омилга айланадики, мўътабар заминимизда яшаётган фуқаролар ва уларнинг азиз фарзандлари учун муносиб ҳаёт яратиш мақсади табиий бир ҳол сифатида англанади.

Президент биздан мана шу оддий мақсад ва оддий ҳақиқатни англашни талаб этмоқда. Бунга унинг маънавий ҳаққи бор. Негаки, унинг пешонасига ана шу ғояга жонни тикмоқ ёзилган. Масъулияти ҳам шунга яраша.

Ватанни ўзи каби севмоққа чорлаётган кишини мақташ, кўкларга кўтариш асло шарт эмас. Фуқародан талаб этиладиган вазифа ҳам жуда оддий — меҳнат ва журъат бобида имкон қадар ҳамкор бўлиш.

Мустақиллик ҳақида гап кетаркан, баландпарвоз гаплар ва қуруқ мадҳияларни четга суриб, зикр этилмиш оддий ҳақиқатни янада оддий қилиб халқ онгига етказиш бугунги асосий вазифадир.

Тантанавор байрам ва жиддий сарфу харажатлар не учун керак, деб сўраган ҳар бир кишига ҳам ана шу оддий ҳақиқатни эслатиш даркор.

Яна шуни англамоқ керакки, мустақиллик учун кураш истиқлол кунига етиш ва уни байрам деб белгилаш билан тугаб қолмайди. Мустақиллик — ҳар кунлик меҳнат. Оғир, машаққатли ва шарафли меҳнат. Истиқлол ўз мевасини бермоғи учун бизнинг саботимиз керак.

Мустақиллик байрамининг аҳамиятини сўз билан ифода этиш кийин. Уни барчамиз юрак билан ҳис этиб турибмиз. Мустақиллик байрами — биз учун ягона байрам. Энг миллий ва энг ўзбекона байрам. Ҳар гал бу муқаддас байрам шарофати билан юртимиз жонланади, чиройи очади, ораста бўлади. Бу байрам фуқаропи фаолроқ ва фидойироқ бўлишга чорлайди, қийинчиликлардан чўчимасликка, эртанги фаровон кун шукухини англаб етишга, керак бўлса, ўшал орзиқиб кутилаётган кунлар ҳаққи ҳурмати учун барча ҳузур-ҳаловатдан ҳам воз кечишга ўргатади.

Вақт — энг катта муаллим, деган бир ҳикмат бор. Озодликда кечирилган вақт сабоқлари эса янада буюкроқдир.

Истиқлол куни — халқимизнинг қадимий тарихида янги фаслни, умидлар барқ уриб гуллаган фаслни бошлаб берди. Илло, бу фасл ғунчалари бехато очилажак. Биздан талаб этилаётган нарсаларнинг моҳияти ҳам оддий — жиддий, меҳру оқибат ва меҳнат.

Президентимиз мустақиллик байрами арафасида бизга яна бир бор эслатган оддий ҳақиқатларнинг маъноси ҳам ана шунда.

• *Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигига*

МУЛОҚОТ МАВЗУСИ—ИСТИҚЛОЛ

Ун ва аралаш ем ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш юзасидан 8 ойлик режани муддатидан илгари ўринлатган Дўстлик дон маҳсулотлари корхонаси жамоаси меҳнат қувончларини Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши йўлланмаси билан келган бир гуруҳ олим ва партия ходимлари билан биргаликда нишонладилар.

Жамоа ҳузурига ташриф буюрган Ўзбекистон Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти бўлим мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор Ҳ. Алимқулов, шу институт етакчи илмий ходими, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Э. Ҳакимов, ХДП Марказий Кенгаши масъул ходими З. Исматуллаева ва вилоят кенгаши бўлим мудири Н. Нурматовлар корхона меҳнаткашларини эришган ютуқлари билан қутлашди.

Шундан сўнг меҳнат аҳли ва олимлар мулоқоти бошланди. Биринчи бўлиб сўз олган профессор Ҳ. Алимқулов эрксевар халқимиз республика раҳбариятининг юртимизда тинчлик ва аҳилликни барқарор этиш борасидаги саъй-ҳаракатини қўллаб-қувватлаётгани, мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳақида гапирди.

Профессор Э. Ҳакимов мустақиллигимиз моҳияти, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати ҳақида сўз юритар экан, бу борада юртбошимиз тутаётган йўл нақадар тўғри йўл эканини уч йиллик ҳаётимизнинг ўзиёқ кўрсатиб турганлигини алоҳида таъкидлади.

Олимлар республикамиз мустақиллигининг тарихий аҳамияти, бизни жаҳон тан олаётгани ва истиқболимиз нурафшонлиги ҳақида, уч йил давомида республикамизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар тўғрисида сўзлаб бердилар.

ХДП Жиззах вилоят кенгашининг масъул ходимаси, ёш шоира Ш. Аҳророва мустақилликни, юртимиз фидойиларини шарафловчи шеърларидан ўқиди.

Олимлар ва партия ходимлари корхона ишчиларининг кўплаб саволларига жавоблар қайтардилар.

Бундай мулоқотлар вилоятнинг Мирзачўл, Ғаллаорол туманларида, Жиззах шаҳридаги пайпоқ тўқув корхонаси ва бошқа меҳнат жамоаларида ҳам бўлиб ўтди.

К. ЖУРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Дўстлар маслаҳати—олтиндан қиммат*

ФАРҒОНАДАН ЧЎЛГА КЕЛИБ

Фарғона вилояти ҳокими М. Исломов бошлиқ ўзаро текшириш бригадаси аъзоларини кутиб олган Жиззах вилояти ҳокими А. Тошкенбоев вилоят меҳнаткашларининг давлатга пилла ва ғалла етказиб бериш бўйича белгиланган режаларини ошиғи билан адо этганлари, халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари бўйича ҳам қувончли натижаларни қўлга киритаётганларини қисқача гапириб берди. Шунингдек, у вилоятда иқтисодий ислоҳотнинг бориши, бу борада Президент фармонларининг амалга оширилишини атрофлича изоҳлади.

Натижада фарғоналик тажрибакорлар дала кезиб, пахтакорлар, ғаллакорлар, соҳибкору боғбонлар ишларини тўғри баҳолаш, вилоят бўйича умумий аҳволни таҳлил этиш имкониятига эга бўлдилар. Уларнинг ўзаро текшириш якунларини жамлаб, чиқарган хулосалари шу бўлдики, ҳозирги пайтда вилоят пахтакорлари режадаги 320 минг тонна «оқ олтин» хирмонини тиклаш учун етадиган ҳосил тўплашга эришганлар. Бу борада Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл ва Фориш туманлари чўлқуварлари айниқса яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Бироқ, халқимизда «Даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб» деган доно нақл бор. Шундай экан, ҳали ҳосилга ҳосил қўшиш, уни нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун техника воситаларини, хирмон жойларни, тош-тарозиларни шайлаш, йиғим-терим иштирокчиларига шароит яратиш керак. Шу талаб нуқтаи назаридан Зарбдор, Зомин, Зафаробод, Жиззах ва бошқа туманларда кўплаб амалий тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Мусобақадошлар икки кун давомида чорва фермаларини, токзору боғларни, полизларни ҳам кўздан кечириб, қўлга киритилаётган ютуқларни эътироф этиш билан бирга, олтиндан қиммат маслаҳатлар, бебаҳо тавсиялар беришди. Вилоятда дала ишлари шу кундан эътиборан фарғоналик тажрибакорлар маслаҳати асосида ташкил этилди.

Ж. КЕЛДИЕРОВ.

МУҲИМИ—ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

Маълумки шу кунларда республикамиз вилоятлари агросаноат мажмуи ходимлари мусобақа асосида ўзаро тажриба алмашяптилар. Яқинда навоийликлар Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятда бўлиб, дала ишлари иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, фермер деҳқон хўжаликлари фаолияти билан танишган эдилар. Ўз навбатида мусобақадош республика вакиллари ҳам кейинги икки кун давомида Навоийда бўлдилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси У. Аширбеков бошчилигида келган мусобақадошлар вилоятнинг барча туманларида, жамоа хўжаликларида, саноат корхоналари ҳамда деҳқон фермер хўжаликларида бўлиб, жорий йилда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар. Бир сўз билан айтганда ташриф давомида мусобақадошлар эришилган ютуқларга эмас, аксинча мавжуд камчиликлар, йўл қўйилган хатолар хусусида дўстона маслаҳатлар бердилар. Муҳими ўз вақтида ўтказилган анъанавий мулоқот ҳам навоийликлар, ҳам қорақалпоғистонликлар учун тажриба ўрганиш, дўстона фикр алмашиш мактаби бўлиб қолди.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СЕРМАЗМУН УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши мустақиллик байрами муносабати билан уюштирилаётган оммавий-сиёсий тадбирлар доирасида тарғиботчилар гуруҳларини жойларга юборди. Иқтисод фанлари доктори профессор А. Юсупов, филология фанлари доктори Ғ. Мўминов, техника фанлари доктори У. Умаров каби бир гуруҳ олимлар Фарғона вилоятига келди. Улар вилоятнинг Қува, Охунбобоев туманлари ва Фарғона шаҳрида бўлиб, меҳнат жамоалари, маҳаллаларда учрашувлар ўтказдилар. Учрашувларда асосан Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги уч йил мобайнида Ватанимизда юз берган ўзгаришлар, мустақилликнинг халқимиз тарихидаги оламшумул аҳамияти, юртбошимиз И. А. Каримов бошчилигидаги ҳукумат ва ЎзХДП амалга ошираётган ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишлари тўғрисида суҳбатлар ўтказдилар. Мамлакатимизнинг ўзига хос тараққиёт йўлидан кетаётганлиги, халқимизнинг азалий қадриятлари яна ўз ўрнини топаётганлиги, иқтисодиётимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлар ҳақида фикр юритилди.

Шуни айтиш керакки, учрашувлар жонли, ҳар икки томоннинг қизғин мулоқоти тарзида ўтказилди. Олимлар йиғилганларнинг кўпдан-кўп саволларига аниқ мисоллар асосида ишонарли жавоблар қайтаришди.

Тарғиботчилар гуруҳининг бу учрашувларида ЎзХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Мирсалимов иштирок этди.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЛ БИЛАН ДИЛЛАШИБ

Ўтаётган ҳар бир кун бизни улуғ байрамга яқинлаштирмоқда. Ҳадемай республикамиз мустақиллигининг уч йиллиги кенг нишонланади. Шу муносабат билан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг тарғибот гуруҳи вакиллари Наманганга келишди. Улар орасида профессорлар — иқтисодиёт институтидан А. Юсупов, адабиёт институтидан Ғ. Мўминов, сув муаммолари институтидан У. Умаров, ёзувчи А. Юнусов, Марказий Кенгаш масъул ходими У. Ҳайитов бор эдилар.

Тарғибот гуруҳи аъзолари дастлаб Норин тумани марказий касалхонаси ходимлари билан учрашдилар. Сўнг Чортоқ туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида, Чуст тикувчилик фабрикасида бўлишди. Улар одамларга истиқлол қадри, мазмунмоҳиятини оддий, аммо жозибали қилиб тушунтиришди.

Р. ИРИСОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Қўлни беринг, жаҳондаги шериклар*

АККУМУЛЯТОР КЎПАЯДИ

Ўзбек ҳамда турк ишбилармонлари таъсисчилигида ташкил қилинган «Ўзқишлоқтаъминот» қўмитасига қарашли «Ўзтуркаккумаш» қўшма корхонаси ўз фаолиятини 1993 йилда Тошкент вилоятининг Бўка туманида бошлаган эди. Корхона жамоаси шу қисқа муддат ичида ижобий силжишларга эришди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ортди.

Қўшма корхона асосан, енгил автомашиналар, юк ташиш автомобиллари ҳамда қишлоқ хўжалигидаги техника воситалари учун аккумуляторлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

— Бундай қўшма корхона республикада ягона ва ўзига хос бўлиб, асосан ички бозорни зарур моллар билан таъминлайди,— дейди корхона тижорат ишлари бўйича директор Шуҳрат Ҳусанов.— Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, асосан, Ўзбекистонимизнинг хом ашёси ҳисобига бўлса, Туркиядан юксак унумли ускуналар, эҳтиёт қисмлар, келтирилди.

Мазкур даргоҳда кунига 500 дона, йилига эса 200 минг дона аккумулятор ишлаб чиқарилади. Яқинда корхонада лойиҳадаги қувват тўла ўзлаштирилиб, ишни икки сменада олиб бориш йўлга қўйилди. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқаришни 2 марта ошириш, кўплаб ишсизларни ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини берди. Энди бу ерда кунига 1000 донага етказиб маҳсулот ишлаб чиқариляпти.

Хўш, бир йилда шунча маҳсулот ишлаб чиқариларкан, нега ушбу маҳсулотлар дўкон пештахталарида эмас, балки бозордаги «чаққонлар» томонидан 5—6 баробар қимматга пулланяпти. Бунинг сири нимада?

— Тўғри, ҳозирги кунда биз ишлаб чиқараётган аккумуляторлар қандайдир қинғир йўллар билан олиб-сотарлар қўлига тушиб қолмоқда. Биз маҳсулотларимизни шартнома асосида, республикамизнинг корхоналарига ҳамда ташкилотларига етказиб берамиз. Менимча бунинг сирини мазкур корхоналардан қидириш керак, деб ўйлайман. Республикамиз халқ хўжалиги эҳтиёжи учун йилига 1 миллион 200 минг дона аккумулятор талаб қилинар экан, демак, бундай корхоналар салмоғини янада ошириш, шунга ўхшаган корхоналар барпо этишни йўлга қўйиш лозим.

— Тушаётган даромаднинг тақсимланиши қай йўсинда бўлади?

— Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотимизнинг 49 фоизи Ўзбекистонда қолса, 51 фоизи туркиялик шериклар томонига ўтказилади. Шундай бўлса ҳамки, шерикларимиз ўзларига тегишли маҳсулотни республикамиз ҳудудидаги истеъмолчиларга сотишни йўлга қўйди. Бу дегани жумҳуриятимизда ушбу маҳсулотларга бўлган талаб қондирилади, демакдир. Тармоғимизда 110 кишидан иборат ишчи-хизматчи бўлиб, ўртача ойлик маош 700 сўмни ташкил этади.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ҲИССАДОРЛИК

● **ТОШКЕНТ. Республика «Тошкент» фонд биржасида оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашув ўтказилди.**

Матбуот конференциясида қимматбаҳо қоғозлар ва капитал уюшган бозорини яратиш хусусида республика «Тошкент» фонд-биржаси бошқаруви раиси И. Л. Бутиков маъруза қилиб, йиғилганларнинг саволларига жавоб қайтарди.

— Республикамиздаги корхоналарни давлат тасаррафидан чиқариб, хусусийлаштириш ёки ҳиссадорлик жамиятига айлантириш жараёни тезлашмоқда,— дейди бошқарув раиси.— Қимматбаҳо қоғозларни чиқарувчи давлат ва нодавлат тузилмалари, тижорат банклари ва бошқа хўжалик таркиблари сони кўпаймоқда. Мақсад хусусийлаштириш ва акциялашни рағбатлантиришдан, республика қимматбаҳо қоғозлар ва капитал уюшган бозорини яратишдан, миллий иқтисодиётни бунёд этиш учун хорижий инвестицияларни жалб этишдан иборат.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ.

• ХДП ҳаётидан

ҲАРАКАТ-ҲАЁТ ДЕМАК

Яқинда туманимиз кенгашида партия сафига янги қабул қилинганлардан бир гуруҳига билетларни топширдик. Одатдагидек, қисқа мулоқот ўтказиб, ёш партиядошларимизнинг фикрлари билан қизиқдик. Шаҳардаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси Рашид Болтабоев ўз мулоҳазаларини шундай ифодалади:

— ХДП республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, энг муҳими, халқ манфаатлари йўлида ташкилотчилик ишларини амалга ошираётганини кўриб, унинг сафида бўлишни хоҳладим. Ватанимиз равнақи йўлидаги бу саъйи-ҳаракатларда бевосита иштирок этишни зиёли сифатида бурчим, деб биламан.

Шу куни партия билетларини қўлга олган марказий дорихона фармацевти Ҳ. Тўхтаева, насос станциялари бошқармаси ишчилари Т. Пирназаров, А. Нормирзаев ва ҳазратишоҳлик хизматчи Х. Аҳмедовалар ҳам бу фикрни якдиллик билан қувватладилар.

Чиндан ҳам бу мулоҳаза замирида ҳақиқат бор. Бени Мустақиллик байрамининг уч йиллиги арафасида қизғин меҳнат қилаётган партия ташкилотларимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда бошқа нуфузли юртдошларимиздан сайланган партия кенгаши ижроия бюроси бошланғич партия ташкилотларини, барча фаолларни, айниқса, партия аъзоси бўлган раҳбарларни доимо аниқ мақсад сари йўналтиришга ҳаракат қилади. Ўзаро талабчанликни ошириш, уюшқоқлик, изчиллик, изланувчанлик билан иш юритиш муҳим тамойилга айланган. Натижада кўпгина соҳаларда дуруст натижаларга эришилаётир.

Ўтган қисқа давр ичида туманда қарийб 10 минг сўмлик қурилиш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Қийин шароитга қарамай, Чортоқ шаҳри ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда. Ҳар бир байрамга у ёки бу маданий, ижтимоий ёки ишлаб чиқариш биноларини эл хизматига тортиқ этиш одат тусига кирди. Мустақилликнинг уч йиллиги байрамига, жумладан, шаҳар бозори, автошоҳбекати, ёшлар маркази каби 6 та иншоот фойдаланишга топширилади. Саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларида режалар ортиғи билан бажариляпти. Пиллачиларимиз бу йил шартномадаги 194 тонна ўрнига 212 тоннадан ортиқ «кумуш тола» етиштиришди.

Буларнинг барида ХДП аъзолари, бошланғич партия ташкилотларининг ҳиссаси бор. Амалий ишлардаги фаоллик халқ орасида партиямизга бўлган ишонч-эътиқодни кучайтирмоқда. Шу йил июнь ойида ХДП сафига 20 нафар, июль ойида эса 23 киши қабул қилинди. Айниқса, «Москва», «Ғалабанинг 45 йиллиги» жамоа хўжаликлари, нон комбинати, пахта заводи бошланғич ташкилотларида партия сафи мунтазам ўсиб боряпти.

Партиявий таъсирнинг ортиб бораётгани меҳнат жамоаларида яғи-янги бошланғич партия ташкилотлари тузиш имконини бермоқда. Жумладан, ўтган ойда туманимизда ун комбинатини қураётган кўчма механизациялашган тизимда бошланғич ташкилот туздик. Йил бошидан бери бошланғич тузилмалар сони учтага ортиб, жами 74 тага етди.

Туман партия кенгаши ижроия бюроси йиғилишлари таъсирчанлигини оширишга, қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлашга эътибор кучайди. Шу йилнинг февраль ойидаги бюро мажлисида бошланғич партия ташкилотларининг меҳнат жамоалари ва аҳоли яшаш ҳудудларидаги партиявий фаолиятига доир масала кўрилиб, 6 та бошланғич тузилма котиби вазифасидан бўшатилди. Апрель ойи бюросида эса туман маданият бўлими бошланғич партия ташкилотининг Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб этиш соҳасидаги иши танқидий руҳда кўрилди.

Дарвоқе, Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этишда туман газетаси билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораётганимизни алоҳида таъкидлаш ўринли. Биз газетага 1991 йил декабрь ойидан бери ҳаммуассисмиз. Ундаги ХДП аъзоси бўлмиш тўрт нафар журналист тумандаги партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишларни изчил ёритишда яқиндан ёрдам бераётир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий ҳокимият идораларига бўлажак сайловлар партиямиз олдидаги катта синовдир. Шу масъулиятдан келиб чиқиб сайловларга тайёргарликни пухта ташкил этмоқдамиз. Кенгаш биносида махсус хона ажратиб, сайловларга доир ҳужжатларни жамладик. Кенгаш қошидаги 15 кишилик тарғибот гуруҳи ҳозиргача деярли барча партия ташкилотларида йиғилишлар ўтказиб, сайловлар тўғрисидаги Қонунларни муҳокама этди. Ҳозир кенгаш масъул ходимлари шаҳардаги маҳаллаларда махсус жадвал асосида шу мавзуда йиғилишлар ўтказишаётир.

Ўтган ойдан бошлаб туманда ягона мулоқот кунлари ўтказишни ҳам тикладик. Масалан, 56 нафар партия фаолининг июль ойида аҳоли билан бўлган юзма-юз мулоқоти айнан Қонунларни тушунтиришга бағишланди.

Албатта, амалга оширилган ишлар билан кифояланиш ярамайди. Зеро, партиявий иш ҳамиша изланиш, янгиланишни, услубларда ижодий ранг-барангликни талаб этади. Туман кенгаши партия нуфузини ўз амалий ишлари, ижодий изланишлари билан мустаҳкамлашга интиларади.

М. ПАРПИЕВ,
Ўзбекистон ХДП Чортоқ туман кенгаши иккинчи котиби.

ПАРТИЯ АЖБОРОТИ

Тошкент вилоятида Ўзбекистон ХДП Қуйи Чирчиқ туман кенгаши ва Ёшлар Иттифоқи туман қўмитасининг қўшма пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Х пленумининг республика Президенти, ХДП Раиси И. А. Каримовнинг республика Олий

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР

Кенгаши XV сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисидаги қарори ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда бошланғич партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар кўрилди.

Пленумда сўзга чиққан туман ҳоким Р. Каримов, Қуйи Чирчиқ туман партия кенгаши биринчи котиби Х. Аҳмедов ва бошқалар асосий эътиборни ёшлар билан ишлашга, уларни ижтимоий ҳимоялашга, яшаши ва ишлаши учун шарт-шароитлар яратиш, муаммоларини ҳал этишга қаратдилар.

Ғ. ОДИЛБЕКОВ.



Жиззах мебель фабрикасида ғўзапоя ва ёғоч-қипиғидан ёғоч-толали плиталар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ҳозир ойига 600 квадрат метргача аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилиб, жавон, каравот ва бошқа мебеллар ясалмоқда. Бугунги кунда бу ерда 170 киши меҳнат қилаётир. Хитойдан келтирилган линия ишга туширилгач, маҳсулот сифати янада ошди.

Суратларда: 1. Оператор Олим Ўрдушев ва бригада бошлиғи Ҳамид Олимжонов. 2. Мебель йиғув цехида.

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

РУЙХАТ ТУЗИЛМОҚДА

● РИГА. Латвия Президенти ва парламент раҳбарига тавсия қилиш учун янги ҳукумат аъзоларининг рўйхати тузилмоқда.

Янги ҳукумат таркиби бир ҳафтадан сўнг мамлакат сейми томонидан кўриб чиқилади. Уни тузиш вазифаси бир ой муқаддам истеъфога чиққан Бош вазир ўрнига номзоди кўрсатилган Андрейс Крастиншга юкланди.

43 яшар А. Крастиниш ҳуқуқшунослик фани бўйича олий маълумотга эга. Энг йирик партия — «Латвия йўли» қўллаб-қувватламаган тақдирда ҳам у ўзи таклиф этадиган ҳукумат таркибининг сейм депутатлари томонидан тасдиқланишига ишончи комил.

БИР КУНЛИК ТАШРИФ

● КИЕВ. Бу ерга Молдова Бош вазири Андрей Сангели бир кунлик амалий ташриф билан келди.

Ташриф дастурида Украина Президенти Леонид Кучма, Бош вазир Виталий Масол ва мамлакатнинг бошқа раҳбарлари билан мулоқотлар режалаштирилган. Шунингдек, икки мамлакат Бош вазирлари иштирокида қўшма матбуот анжумани бўлади.

Сафар мобайнида ўзаро ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилмаган.

ҲИССАДОРЛАР НОРОЗИЛИГИ

● МОСКВА. «МММ» ҳиссадорлари иттифоқи ташкилий қўмитаси бир неча кун мобайнида Россия Федерацияси пойтахтининг тегишли майдон ва кўчаларида норозилик митинглари ўтказишни мўлжалламоқда.

Ташкилий қўмита ҳамраиси Владимир Стольпиннинг тасдиқлашича, ҳукумат ҳозирча тўртта жойда митинг ўтказишга рухсат берган.

РАТА—ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига қараганда, митинг қатнашчилари «МММ» президенти Сергей Мавродининг озод қилинишини, молия вазири вазифасини бажарувчи ва унинг биринчи ўринбосари истеъфо беришини, шунингдек, ҳукумат ҳиссадорлик жамиятига ҳамда унинг ҳиссадорларига етказилган моддий ва маънавий зарар учун товон тўлашини талаб қилмоқчилар.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУҚУҚИ КЕНГАЙДИ

● ГРОЗНИЙ. Ўтган куни бўлиб ўтган Чечен халқ қурултойи Президент Жоҳар Дудаевга бир қанча муваққат ваколатлар берди.

Жумладан, энди Президент «Чечен Республикасининг барча минтақасида ҳар қандай кучлар кўмагида кескин чоралар қўллаш» ҳуқуқига эга. Шунингдек, Ж. Дудаевга «Ватан ҳимояси учун» фуқаролар ялпи чақириғини ўтказиш топширилди.

Қурултой резолюциясида таъкидланишича, Чечен Республикасининг мустақиллиги ва яхлитлигини сақлаб қолиш ва бу ерда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш учун шу қарорга келинган.

КУРАШ АВЖ ОЛМОҚДА

● ДЕҲЛИ. Жамму ва Кашмир штатларида Ҳиндистондан ажралиб чиқиш учун кураш авж олмоқда.

Кашмир вилоятида ҳарбий тўқнашувлар натижасида 25 киши ҳалок бўлди. Ўтган куни Ҳиндистон ҳукумати раҳбарлари шу масала хусусида йиғилдилар ва Президент бошқарувини яна 6 ойга узайтиришга қарор қилдилар.

МАСАЛА ҲАЛ ЭТИЛАДИ

● СЕУЛ. Жанубий Корея ҳукумати сўнггги 40 йил ичида ушбу мамлакатдан Шимолий Кореяга олиб чиқиб кетилган 438 фуқаронинг исми шарифини биринчи маротаба эълон қилди.

Бош вазир ўринбосари, миллий бирлашиш масалалари бўйича вазир Ли Хон Гу уларни ўз юртларига қайтариш масаласи ҳал қилинаётганини айтди. Унинг таъкидлашича, Жанубий Корея 1980 йилдан бери Шимолий Кореяга бу масала хусусида 22 маротаба мурожаат қилган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

СЕРДАРОМАД НУҚТАЛАР КЎПАЙСА...

Аҳолининг асосий қисми нуқул дала ишлари билан банд бўлиб қолиши, қишлоқ жойларида даромад келтирадиган нуқталарнинг камлиги турмуш фаравонлигини яхшилаш йўлидаги тўсиқлардандир. Бу ҳақда мамлакат Президенти қайта-қайта такрорламоқда. Хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланишда, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўз йўлини белгилашда бу омиллар алоҳида ҳисобга олинаётир.

Шу жиҳатдан олганда Каттақўрғон туманидаги «Оқ олтин» ҳиссадорлик жамияти жамоаси даромад келтирадиган жойларни кўпайтириш, пештахталарни маҳсулотга тўлдириш орқали ўзбек сўмининг қадрини ошириш борасида жонбозлик кўрсатмоқда.

— Одамларни иш билан банд қилиш учун ҳашаматли биноларни қуриш шарт эмас. Президентимизнинг бу маслаҳати бизга жуда маъқул бўлди,— дейди «Оқ олтин» ҳиссадорлик жамияти раҳбари Саъдулла Тошпўлатов.— Шунга кўра ички имкониятларимизни ишга солиш тадбирларини белгиладик.

Ички имкониятлар эса самарали натижалар бермоқда. Иш юритишда ҳиссадорлик улушидан унумли фойдаланиш, аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олиб ишлаш натижасида 1994 йилнинг биринчи ярмида 1.910 минг сўмлик, режадагидан 695 минг сўмлик кўп савдо қилинди. Қандай йўллар билан савдо хизматини намунали ташкил этиш мумкин? Бу саволга қишлоқ оқсоқоллари иштирокида жавоб топилмоқда. Туман ҳокимлигининг ғамхўрлиги ва яқиндан ёрдами туфайли қисқа вақт ичида 2 та марказий дўкон ташкил этилди.

Ҳиссадорлик жамияти тасарруфида тикувчилик цехи барпо этилгани айни муддао бўлди. Ҳозир бу ерда 7—12 яшар ўғил-қизлар учун мактаб кийимлари тикиб, бевосита туманнинг ўзида сотилмоқда. Ҳам одамлар иш билан таъминланди, ҳам ички ресурслар ҳисобига маҳсулот ҳажми ошди.

Қаерда давлат таъминотига кўз тикилса у жойда ишда ўзгариш бўлмайди. Яқинда «Ўзбекистон матлубот жамиятлари аълочиси» нишонига сазовор бўлган Саъдулла Тошпўлатов бошчилик қилаётган жамоада бу ҳақиқатни яхши билишади. Миллий валютамиз салмоғи, қудрати маҳсулот таъминоти билан кафолатланишини яхши билган ҳиссадорлар бошқа минтақа ва воҳалардаги тадбиркорлар билан бевосита алоқага киришмоқдалар. Чунончи Қашқадарё ишчилар ширкати билан боғланиб мандаринга 2 тонна гуруч аймаштирилди. Айни пайтда Фарғона пойабзал комбинатидан 36 минг сўмлик маҳсулот олиб келинди.

Бозор тизимига ўтиш даврининг ўзига хос жиҳатлари бўлади. Бу паллада муайян қийинчиликлар учраши табиий. Унда мураккаб вазиятларда оқилона ечим қабул қила оладиган, тадбиркор ва эпчил ходимлар ютади. Бунга Каттақўрғон туманидаги «Оқ олтин» ҳиссадорлик жамияти жамоасининг фаолияти мисол бўла олади.

Исматилла ХАЛИЛОВ.

КЎЗИ ТЎҚНИНГ—ЎЗИ ТЎҚ

Темир ака ҳузурига боришдан олдин йўл-йўлакай сўраб-суриштирдим. «Темир Жумаев одамохун, кайвони. Хўжалик иқтисодини яхши билади. Ўн йилдан бери шу хўжаликни бошқаради. Бировни норози қилгани йўқ. Бир неча йилдирки, хўжаликдан етиштирилган ҳосилнинг асосий қисмини уни ишлаб чиқарганларга илинади. Шунинг учун хўжалик аъзоларининг кўзи тўқ, кўнгли тўқ. Ўтган йили ҳар бир оилага 300 килограммдан буғдой арзон нархда тарқатган эди. Бу йил ҳам ғалла ҳосили кам бўлгани йўқ. Темир ака одамларни ўйлаганиўйлаган».

Одамлар у ҳақда ана шундай меҳр ва ихлос билан гапиришарди. Бу қандай яхши!

Темир ака ўтган ўн йил давомида мавжуд 20 минг қўйни 36 минг бошга, мингдан зиёд қорамолни салкам 2 мингга етказибди. Хўжаликда ғаллачилик ва чорвачилик етакчи тармоқ. 11 минг гектар майдонга лалми ғалла экилади. 200 гектар сувли ғалладан бу йил 35 центнердан ҳосил ўриб-йиғиб олинди. Бўшаган майдон шудгор қилиниб, унга макка дони сепилиб, тўлиқ майса ундириб олингани айниқса, қувончли ҳол. 1200 тонна уруғлик ғалла жамғарилди. Давлатга сотиладиган 4100 тонна ғалладан 3 миллион 400 минг сўм соф фойда олинади.

Хўжаликда яшовчи аҳолига 600 тонна ғалла арзон нархда тарқатилади. Мустақиллик йилларида деҳқонга ер, чорвадорга қўй-эчки, қорамол берилди. Деҳқоннинг ҳам, чорвадорнинг ҳам мулкка муносабати ўзгарди. Хўжалик хомийлигида 140 та деҳқон, фермер хўжалиги иш юритмоқда. Аллоёр Ҳотамов, Қўчқор Эшмуродов бошчилик қилаётган фермер хўжаликлари фаолияти замон талабларига мос. Деҳқончилик ва чорвадан олинаётган мўмай даромад ҳисобига Норбулоқ қўрғони ва атроф-қишлоқларида аҳолининг маданий-маиший аҳволи кундан-кунга яхшиланиб бормоқда.

Хўжаликда катта муаммо — бу ичимлик сув. Мусоқар, Нурдум, Шурча-1, Шурча-2, Шурча-3, Марказ, Кеч келдик, Равотли, Қора қурсоқ, Вокзал орти қишлоқлари сифатли ичимлик сув билан таъминланди. Марказий қўрғонда яшовчи 500 оиладан 440 тасига табиий газ ўтказилди. Янги йилгача яна 11 километрга газ қувурлари тортиш режалаштирилган. Яқинда Қиличли ва Нурдум қишлоқлари учун 100 ўринли болалар боғчаси ишга туширилди.

Нурбулоқ ва Нурдум тикув цехларида 200 нафар хотин-қиз ишламоқда. 30 гектар токзор, 35 гектарлик сабзавот экинларидан олинадиган ҳосил хўжалик аъзолари эҳтиёжига берилади.

Хўжаликнинг ХДП бошланғич партия ташкилотининг котиби Норбўта ака Меҳриддинов билан қилган суҳбатимиз партия аъзолари фаолияти ҳақида борди. Хўжалик бошланғич партия ташкилотининг 60 аъзоси бор. Унга аъзо бўлишни ҳоҳловчилар сони кўпайиб бормоқда. Хўжалик раҳбари, бўлим бошлиқлари, етакчи мутахассислар, фермерларни ХДП аъзоси эканлиги омма ўртасида партия обрўсини оширмоқда. Партия аъзолари ҳар соҳада фаолликни қўлдан бермай келаётир. Улар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Миллий истиқлол мафкураси ғояларини хўжалик аъзолари онгига сингдиришда жонбозлик кўрсатмоқда.

Хуллас, эл севган раҳбар Темир Жумаев бошчилик қилаётган Нуробод туманидаги «Каттақўрғон» ижара хўжалигида амалга оширилаётган ҳар бир янги тадбир республикамиз Мустақиллигининг уч йиллиги байрами кунига муносиб тўёна бўлмоқда.

Ғози РАҲМОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Майдонда синалган—элда азиз*

НУРМАМАТ ОҒА

(ОЧЕРК)

Нурмамат оға меҳмонни дастурхонга таклиф этиб, унга чой узатаётган эди, хонага кичкина ўғли Ерқинжон чопиб кирди.

— Дадажон, эсимдан чиқибди, — деди у шошилиб, — боя мактабдан телефон қилишди, учрашув сиз айтган вақтда бўларкан.

— Қайси мактабдан, сўрадингми?

— Сўрамадим, ўзлари Маҳтумқулиданмиз, дейишди.

— Ҳа, яхши-яхши. Энди бемалол ўйнайверинг.

— Мактаб кўпми, учрашув кўпми, ошна? — деди дўсти ҳам ҳавас, ҳам ҳазил билан.

— Ҳозирча иккаласиям мўл. Чунки, байрам яқин-да. Бормайман, вақтим йўқ, деб бўлмайди.

— Деёлмайсиз-да, биродар. Бир ёғи — геройчилик, бир ёғи ўша мактабларни ўзингиз қуриб бергансиз.

— Сиз ҳам муаллимларга ўхшаб ошириб юбордингиз, дўстим. Мактабларни мен эмас, қурувчилар қуришган. Камина ўша вақтда совхоз директори эди, холос.

— Ўша мактаб нечта ўқувчига мўлжаллаб қурилган эди?

— Уям, Киров мактаби ҳам 600 ўқувчига мўлжалланган. Найистон, Алланк қишлоқлари болалари учун алоҳида мактаблар қуриб берганмиз.

— Айниқса, уч корпусдан иборат шифохонанинг ишга туширилиши ажойиб, унутилмас байрамга айланган эди-а?

— Биласизми, ўшанда янги шифохонанинг очилишида Шароф Рашидов иштирок этади, деб ҳечам ўйламагандим. Раҳматли Шароф ака чинакамига буюк инсон ва раҳбар эди-да. Қаршида кўришиб, сўрашгач, чорвачилик бўйича режалар, кўрсаткичларга гап йўқ, доимо илтўрсиз, хўш, қурилиш, маданият, ободонлаштириш ишлари қандай кетяпти, деб сўраб қолдилар. Мен саволга жавоб бераётиб, хўжаликнинг асосий шифохонаси очилиш арафасида турганини айтдим ва «агар бориб, лентани ўзингиз қирқиб бермасангиз, бир умр хурсанд бўлардик», дедим. Шунда у киши «сиз бийдай чўл бағрида одамларга соғлиқ улашадиган улкан тиббиёт муассасаси бунёд этасизу, биз бориб табрикламаймизми, бўпти, борамиз», деганди.

— Ўша йиллари Нурмамат Рустамов совхоз директорими ёки прорабми, қачон қараманг, бирор қурилиш ишвиши билан юради, деган гапларни тез-тез эшитиб қолардик. Энди ўйлаб кўрсам, дўстим, мутлақо ҳақ экансиз. Мана, сизнинг ташаббусингиз билан бунёд этилган замонавий уйлар, шаҳарларникидан қолишмайдиган икки қаватли универсал дўкон, тибпунктлар, ярим минг киши бемалол сиғадиган клуб, кутубхона, кинотеатр, маъмурий бино, чойхоналар ҳам бутун Помуқ қўрғонига ярашиб, унинг халқига хизмат қилиб турибди. «Нурмамат оға қурган», «Рустамов директорлиги даврида бунёд этилган», деган эҳтиромли сўзларни эшитиш сизга тугул, бизга ҳам алоҳида завқ, фахр бағишлайди.

— «Директор-мироб» деган ҳазил-қочирмалар-чи, қулоғингизга чалинмаганми?

— Э, ҳа, тўғри, бунақаси ҳам бор эди. Лекин, гапнинг ростини айтганда, бу ишинг барча-барчасидан савобли бўлган эди. Бир неча юз километр олисликдаги тоғ бағридан, Яккабоғдан олис чўл марказидаги совхозга ичимлик сув келтиргансан-а!

Нурмамат оғанинг дўсти, ғоятда яқин қадрдон бўлганидан, чексиз фахрланганидан «сан»сираб юборди.

Дўстлар дилдан ҳоҳолаб кулиб юборишди. Хонага яна Ерқинжон чопиб кириб, мактабдан иккита ўқувчи сўраб келганини айтди.

— Чақир, бошлаб келавер, бу ерда бегона йўқ, ўзимиз, — деди Нурмамат оға.

— Директор бува, бизлар Маҳтумқули мактабининг ёшлар қўмитасиданмиз, — деди ўсмирлардан бири салом бергач, — эртага Киров мактабида ҳам сиз билан учрашув бўлармиш. Шундан хавотирланиб келдик. Бизлар биринчи бўлиб айтганмиз.

— Ҳа, яшанглар, сизлар доим биринчисилар. Шунинг учун у мактабда учрашув кейинроқ — шанба куни бўлади. Ҳеч хавотирланманглар, эртага ўз вақтида етиб бораман. Энди сизларга биттадан эсдалик совға бериб қўяй, — Нурмамат оға ўрнидан туриб, жавондан куни кеча Қаршидан олиб келган янги бадиий китоблардан иккитасини олиб, болаларга узатди. — Ажойиб ҳикоя ва қиссалар, мириқиб ўқийсилар.

* * *

Нурмамат оға мактабга айтилганидан бир соат олдин борди. Аввал директор билан мактаб ҳовлисини айланди. Сўнг дарсдан бўшаган ўқитувчилар билан суҳбатлашиб олди. Учрашув бошланиши арафасида даҳлиздаги кўргазмаларни кўздан кечирди. Деворий газетанинг махсус сони «Бизнинг азиз меҳмонимиз» деб аталарди. Унда Нурмамат оғанинг таржимаи ҳоли — 1928 йили Помуқ қишлоғида туғилгани, ўн тўрт ёшида, яъни еттинчи синфни битиргач, отасига чўлиқ (чўпонга ёрдамчи) бўлиб меҳнат фаолиятини бошлагани, бухгалтерия курсида, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида ўқигани, бўлим бошлиғи, бош зоотехник бўлиб ишлагани, қарийб йигирма йил «Баҳористон» туманининг йирик «Ўзбекистон» давлат хўжалигига раҳбарлик қилгани, қачон Меҳнат Қаҳрамони бўлгани, қайси йиллари Ўзбекистон Олий Кенгашига депутат қилиб сайлангани — барча-барчаси ёзиб қўйилган.

— Бу ердан ҳатто ўзим баъзи факт-саналарни аниқлаштириб олдим, раҳмат, домла, — деди Нурмамат оға мамнун бўлиб.

Учрашув бошланди. Мактаб директоридан сўнг хўжаликнинг ҳозирги раҳбари Ашурвой Хўжамов гапирди. Навбат Нурмамат оғага келганида залда қарсаклар янгради. Сўздан кейин берилган саволлар кутилганидек ғоятда ранг-баранг эди.

— Сиз раҳбар бўлиб ишга келганда совхоз ўнглаб бўлмайдиган даражада чўкиб ган бош мутахассислар, ферма мудирлари, фидойи чўпонларни кўп бор тилга олганман, сизлар уларни яхши биласиз. Хуллас, совхозда, одамларда аслида мавжуд бўлган, аммо эътиборсизлик туфайли фойдаланилиши сустлашиб қолган имкониятларга алоҳида эътибор бериш ҳисобига ишларимизни яхшилай олдик. Ҳар йили ўртача ярим — бир миллион сўм даромад қиладиган бўлдик.

— Шогирдларингиз кўпми? Улар сиз билан ҳозир ҳам маслаҳатлашиб туришадими?

— Синглимизнинг бу саволига мен жавоб бера қолай, устоз, — Ашурвой Хўжамов ўрнидан турди. — Биласизларми, Нурмамат оға туманимиздагина эмас, балки, бутун вилоятимизда танилган энг сершогирд устозлар. У кишининг меҳридан, эътиборидан, йўл-йўриқларидан, қўллаб-қувватловидан баҳраманд бўлиб, олий мактабларда ўқиганларнинг сони адоқсиз десам, асло лоф деб ўйламанг. Узоққа бормай, ўзим ва бу ерда қатнашаётган дўстларим — бош зоотехник Бойниёз Ҳалимов, бош ветврач Давлат Собиров, бош ҳосилот Мурод Холиқов, бўлим бошлиғи Янгибой Холиқовларни мисол қилиб келтираман. Бешаламиз ҳам шахсан устознинг маслаҳати, тавсияси билан ўқишга борганмиз. Бошқалар қатори бешаламизга ҳам директорнинг ташаббуси билан совхоз ҳисобидан стипендия тўлаб турилган. Нурмамат оға ҳатто Тошкент ва Самарқандга махсус бориб, талабаларнинг аҳволидан хабар олардилар. Шундай меҳрибон, шогирдпарвар устоздан узоқлашиб бўладими?!

— Паспортингизни кўрган одам билмаса, бошқа биров сизни ҳечам туркман деб ўйламайди. Бу — табиий. Туркманистонда ҳам сизга ўхшаган ўзбеклар бор. Бундан биз фахрланамиз. Сизнинг икки қардош халқ дўстлиги ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик?

— Биласизми, ўғлим, олимлар, шоиру адиблар ёзаётганларидек, бу икки миллатнинг томири бир. Дини ҳам, тили ҳам, дили ҳам бир. Бир гилам устида қурашга тушишади, бир отчопарда улоқ чопишади. Тошкентда бошланган навоийхонлик Ашгабадда давом этади. Маҳтумқули ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар кириб бормаган ўзбек хонадони борми? Отажон Худойшукуров, Бобомурод Ҳамдамов, Ортиқ Отажоновлар «Туркманистон халқ артисти» деб олқишланса, Хўжақули Норлиев ўз фильмларининг премьерасини Тошкентда ҳам ўтказади. Қиз бериб, қиз олишамиз. Охунжон деган хонанда ўғлимизнинг «Узун қўйлак туркман қизга уйланаман» деган қўшиғи бежизга ёқимли эмас.

— Сиз Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фаолларидан бири ҳамсиз. Партия, унинг бугунги кундаги нуфузи тўғрисида нима дея оласиз?

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси тўғрисида кўп гапиришим мумкин. Чунки, тантанали туюлса ҳам айтаман, ХДП менинг дилдан ихлос қўйган, биринчи кундан бошлаб аъзо бўлган жонажон партиям! Шундай қутлуғ мақсадли партияга аъзо бўлиб, унинг орзу-ниятлари учун курашмай бўладими?! Менинг фарзандларим ҳам ХДП аъзоси, масалан, катта ўғлим Нурмаматов Бобоқул Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Муборак тумани кенгашининг биринчи котиби бўлиб ишлайди.

Партиямизнинг обрў-эътиборини унинг бу ердаги шогирдларим ва домлаларга ҳам яхши таниш бўлган «Миллий истиқлол мафкураси» янада ошириб юборди десам, янглишмайман. Вазифамиз одамлар қалбидаги гапларнинг ажойиб ифодаси бўлган бу муҳим ҳужжатни тарғиб этиб, ҳаётга татбиқ қилишдир.

— Фарзандларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

— Ўғил-қизларининг камолидан мамнун бўлмаган ота-она топиладими? Мен ҳам хурсандман. Ҳаммалари уйли-жойли, маълумотли. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишяпти. Масалан, юқорида айтганимдек, тўнғич фарзандимиз қўшни туманда сиёсий раҳбар, ўзи иқтисодчи. Отақулни биласизлар, шу ерда туман «Сельхозхимия»сининг раиси. Ҳасан деган ўғлимиз — савдо ходими, Ҳусан — шофёр, Рўзиқул — зоотехник. Қизлар турмушга чиқишиб, увалижўвали бўлиб кетишган. Куёвлар ҳам ўғилларидай меҳрибон. Фақат бир армоним бор — умр йўлдошим, Қаҳрамон она, раҳматли Нозлиой болаларининг камолини кўролмай оламдан ўтиб кетди. Менга фақат бир нарса таскин беради: фарзандларим ҳамма вақт оналарининг руҳини шод қилиб юришади...

Нурмамат оғанинг сал чарчаганини, айниқса, умр йўлдошини эслаб тўлқинланганини сезган мактаб директори «савол-жавобни концертдан сўнг давом эттирамиз» деди-да, ҳаваскорларга сўз берди. Залда дилрабо қўшиқ янгради.

Учрашув тугагач, Нурмамат оғанинг қучоғи гулларга тўлиб кетди. Учрашувга ташриф буюрган ота-оналар ҳам гул тутқазишди. Улар болаларининг шарофати билан ўзларига кўп яхшиликлар қилган, олтмиш олти ёшда бўлишига қарамай, чорвадор хўжалик жамоаларидан бирига етакчилик қилаётган ажойиб эл кайвонисини қутлаганларидан бениҳоя хурсанд эдилар!

Юсуф БЕРДИЕВ.

ИНСОФ САРИ БАРАКА!

Осиё бозори

№ 67

1994 йил 16 август.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

НАВОИЙ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОШҚАРМАСИ

ИШБИЛАРМОН КИШИЛАРНИ 19 АВГУСТДА ЎТКАЗИЛАДИГАН КИМ ОШДИ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛМОҚДА:

НАВОИЙ ШАҲРИДАГИ ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН «САВДО МАРКАЗИ»

Икки қаватли пишиқ ғишт ва темир бетондан қурилган замонавий бино.

Бошланғич баҳоси — 100.000 сўм.

НАВОИЙ ШАҲАР МИР КЎЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН АВТОБУС БЕКАТИ

Навоий шаҳар деҳқон бозорининг қаршисидаги айланма йўл ёқасида жойлашган, майдони бетон қоришма билан қопланган.

Бошланғич баҳоси — 2 минг сўм.



НАВОИЙ ШАҲАР ГОРЬКИЙ КЎЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН АВТОБУС БЕКАТИ

Навоий шаҳар деҳқон бозорининг қаршисидаги айланма йўл ёқасида жойлашган, майдони бетон қоришма билан қопланган.

Бошланғич баҳоси — 3 минг сўм.



«САНОАТ МОЛЛАРИ» МАГАЗИНИ

Навоий шаҳар Малик Работ қўрғони ҳудудида жойлашган, 1973 йилда пишиқ ғиштдан қурилган.

Бошланғич баҳоси — 27 минг сўм.

«ОЗИҚ-ОВҚАТ» МОЛЛАРИ МАГАЗИНИ

Навоий шаҳар Малик Работ қўрғони ҳудудида жойлашган. 1973 йилда ишга тушурилган.

Бошланғич баҳоси — 27 минг сўм.

«ОШХОНА» БИНОСИ

Навоий шаҳар, Малик Работ қўрғони ҳудудида жойлашган, 1973 йилда пишиқ ғиштдан қурилган.

Бошланғич баҳоси — 21 минг сўм.



«ҚАРМАНА» МЕҲМОНХОНАСИ

Қармана шаҳар марказида пишиқ ғиштдан қурилган, 2 қаватли.

Бошланғич баҳоси — 50 минг сўм.

«ТИНЧЛИК» ОШХОНАСИ

«Тинчлик» қўрғонида жойлашган. 1979 йилда пишиқ ғиштдан қурилган.

Бошланғич баҳоси — 30 минг сўм.



«КОНИМЕХ» МЕҲМОНХОНАСИ

Конимех туман марказида жойлашган. 1985 йилда қурилган, 40 ўринли.

Бошланғич баҳоси — 35 минг сўм.



«ОҚТЕПА» ОШХОНАСИ

Навоий — Нурота йўлининг 20-километрида, тоғ бағрида жойлашган.

Бошланғич баҳоси — 25 минг сўм.



3-СОНЛИ ҲАММОМ

Нурота туман марказида жойлашган, 1992 йилда шарқона усулда қурилган, 3 та гумбазли, 1 қаватли.

Бошланғич баҳоси — 20 минг сўм.



Маълумотлар олиш учун Навоий шаҳридаги телефонлар: 3-39-90, 3-44-81, 3-07-29, 3-74-60.

Аризалар ҳар куни соат 9 дан 18 гача (шанба куни соат 9 дан 13 гача) шаҳар ҳокимлиги биносида қабул қилинади.

ИМКОНИЯТИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ!

КЎЧМАС МУЛК—ЎЛМАС САРМОЯДИР!

• Спорт • Спорт • Спорт

• Шарқона беллашув усталари

УЧ ЮЗ «СОВРИНЛИ» ПОЛВОН

ЎТГАН қишнинг чилласи эди. Даврада жомлик тоғалардан бири гурунг беряпти: «Шу десанглар, карамэ бор-ку, асли ўзимиздан чиққан, яъни «қараб теп» деганимиз экан. Ишонмайсизларми, бўлмаса, тепгич болаларни бир кузатинглар, э, нуқул бир-бирининг кўзига термулиб тепишади»...

Бу бир гап-да. Яна ким билади. Лекин яккамаякка кураш турларининг аксарияти дастлаб ўзимизнинг Шарқда пайдо бўлганлиги рост. Фақат...

Нурхон билан танишганимга кўп бўлди. Ўшанда у «Шарқ» халқаро жанговар клубида президент эди. Камгап, тортинчоқ ва озғин бу йигитни ҳамкасбларга «полвон» деб таништирганимда кулишган ҳам. Тўғри, у анча босиқ ва вазмин. Лекин кўзлари...

Жиддий ва сирли. Унда биз тушунмаган дунё яширин. Бир куни ўзи айтиб қолди: «Ака, менга ҳеч нарса керакмас. Каратэ деб яшаб юрибман. Сизлар билмайсизлар. Ўзбекистонда шундай зўр йигитлар борки... ёқа ушлайсиз».

Кейин кўрдим ҳам. Мақтаганлари етти ёш билан йигирмадан ўтиб-ўтмаганлар орасида экан. Бўлари бор болалар. Машғулотларни кузатиб... ёқа ушламадим, балки шундай сабрли ва иродали спортчилар бизнинг миллатдан ҳам етишиб чиқаётганидан суюндим.

У мақтанмайди. Устози Хўжамқул Хўжақулов иккиси хўжалик ҳисобида ишлайдиган клуб очиб, болаларни чорлаб юрганида айримлар киноя қилишган: «Тинчгина юрмайсизларми, нима етмяпти сизларга? Яхшиси, тижорат қилинглар ё бирон гуруҳ...» Йўқ, улар ҳеч қандай гуруҳ ё тижоратчилар «команда»ларига қўшилишмади, аралашишмади. Аввало у ўзини эмас, «Шарқ»ни, қолаверса, шу клубнинг уч юздан ортиқ фидойи аъзоларини ўйлади.

Дарвоқе, бугунги кунда катта клубни қўйинг, кичкина бир тўгаракни бошқариш азоб. Бироқ Нурхон жон қойитиб ишлади. Эрта саҳарда келиб Чуқурсойдаги спорт залида аввал ўзини қийнабқийнаб машқ қилди. Кейин болаларга, ҳатто қизларга каратэдан сабоқ берди.

«Шарқ»ни кўплар билади. Бу ёғи Марказий Осиёда, у ёғи Америкада ҳам. Америкада деб бежиз айтмаяпмиз. Чунки ўтган йили кўп газеталар ва бошқа ахборот воситалари Санкт-Петербургда ўтказилган халқаро турнирда ўзбекистонлик каратэчилар ўндан ортиқ олтин медаль олиб қайтгани ҳақида хабар берганди. Ана шу чемпионлар орасида «Шарқ» клуби аъзолари ҳам бор эди. Ўшанда олис Америкадан таширриф буюрган машҳур спортчилар ўзбек йигитларини мақташгани ва уларни жаҳон миқёсидаги катта беллашувларга бемалол таклиф этиш зарурлигини айтишувди. Лекин...

НУРХОННИНГ ГАПЛАРИ:

— Мен нолимайман. Шукурки, спортнинг нонини еб юрибман. Салкам 5—6 йил орасида неча юзлаб болаларга каратэ деган ниҳоятда нозик ва мураккаб спорт илмидан баҳоли қудрат сабоқ бердим. Бир нарсадан суюндим: Санкт-Петербургга борганимизда мусобақанинг биринчи ва иккинчи кунлари Ўзбекистон номини эшитган хорижликлар аввалига ажабланишди. Кейин бизнинг йигитлар ғолиб чиқа бошлашгач, байроғимиз кўтарилгандан сўнг ёнимизга келиб самимий табриклашди.

У ёқдан келганимда қувончдан ўзимга сиғмай юрдим. Мақтаб ёзишдим. Аммо кейин... ҳамма нарса унутилди. Яширмайман, бизда каратэ бўйича жуда кучли мамлакат терма командаси тузиш имкони бор. Ўзбеклар орасида малакали тренерлар етарли. Бироқ ҳамма ўзи билан ўзи овора. Спортчилар бир ёқда, раҳбарлар бир ёқда. Ўртада «кўприк» йўқ. Агар бирор нуфузлироқ мусобақа ўтказилиши ҳақида хабар келса, кейин излаб қолишади.

Ўзбекистонда кейинги уч-тўрт йил орасида бошқа собиқ шўро мамлакатларида ҳали-вери шаклланмаган Шарқнинг каратэ, таэквандо, уш-у сингари кучли мактаблари пайдо бўлди. Кейинчалик уларга эътибор анча пасайди. Айниқса, бугунги кунда дунёга чиқишнинг қатор йўллари изланаётган бир пайтда каратэдек спортнинг энг тараққий этган турига жиддий эътибор бериш лозим. Маҳаллий миллат вакиллари орасида юртимиз шаънини ҳимоя қиладиган йигитлар беҳисоб.

Мени қийнаётган нарса, ҳозирги кунда Ўзбекистонда каратэ федерацияси борми ё йўқми? Бўлса, у нима иш билан шуғулланяпти? Ахир эрта-индин бошланадиган Осиё ўйинларига спортчилар танлаш керак. Аввало, Ўзбекистоннинг номини, қолаверса, Ўзбекистоннинг ғурурини кўтарадиганлар Японияга борармикан? Яна бир томони, аввал Ўзбекистон халқи номидан жаҳонга танилиб, кейинчалик кетиб қолган спортчиларнинг аччиқ сабоқларини ҳам унутмайлик. Бизга аввало мустақил давлатмизнинг, қолаверса, шу миллатнинг ғурурини, шарафни оқлайдиганлар керак.

Ҳозир Ўзбекистон спортининг халқаро нуфузини оширишга даъват этилмоқда. Демак, биз спортчилар ҳам ана шу ишончли йўлдан борайлик-да...

Унинг куйиниб айтган сўзларига қўшимча қилмадим. Лекин у барибир полвонлигига борди. Сал истиҳола ила «айримлар тағин ўйламасин, бу нима каромат кўрсатибдики, мақтаняпти деб. Йўқ, мен асло ўзимни эмас, балки эрта-индин минглаб мухлисларни ҳайратга соладиган умидли ўзбек спортчиларини ўйлаб айтдим. Ана шуларга эътибор ва меҳр керак. Энди битта мушт бўлиб ишламасак, бўлмайди»,— деди.

Нурхон Нафасов яқинда Тошкент шаҳар каратэ федерациясининг раислигига сайланди. «Шарқ»ни эса шу клубнинг етакчи мураббийларидан бири Бурҳон Раҳмоновга топширди. Аммо шогирдлари у билан хайрлашишмади. Раис бўласизми, бошқами, биз билмаймиз, машғулотларни ўзингиз бошқарасиз, дейишди. На илож, кўнди. Бу ёқда эса...

Федерациянинг номи бор, ўзи йўқ. Кечагина шаҳар адлия бошқармасидан рўйхатдан ўтишди. Нурхонгача ким раис бўлган, нима ишлар қилингану, қандай вазифалар қолиб кетган, уларнинг ҳисиб-китоби энди бефойда. Ҳамма юк унинг елкасига тушиши аён. Бунинг устига шу вақтгача қанча каратэ тўгараклари, клублари гоҳ расмий, гоҳ норасмий ишлаб турган, энди уларни рўйхатга олиш шарт.

«Ишни нимадан бошлаяпсиз?» дейман ундан. Ўйлаб қолади. «Аввало муқим ишлайдиган жой масаласини ҳал қилишим керак. Ҳозирча «Шарқ»даман. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар спорт қўмитаси раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, вазифаларни белгилаб оляпмиз. Улар ёрдам беришмоқчи. Биринчи галда қиладиган ишимиз Тошкентда мустақиллигимизнинг уч йиллиги шарафига бағишлаб каттароқ мусобақа уюштириш. Байрам кунида эса ўзимизнинг махсус спорт томошамиз бор. Ниятлар кўпу, лекин маблағ масаласи қийнаяпти. Ҳомийлар излаяпмиз».



Нурхон энди ўттизга кираяпти. Катта ишлар умидида юрибди. Устоялари, қолаверса, шогирдларига ишонади. Битта нияти: кучли йигитқизларни тўплаб, халқаро беллашувларга олиб чиқиш.

...У «ур калтак-сур калтак» фильмларни кўрмайди. Дангалига айтади-қўяди: «Бундай киноларнинг ярми чин, ярми ёлғон. Катталарга кўпам қизиғи йўғу, лекин болаларга... Улар ҳар хил бўлар-бўлмас усулларни қўллаб кўраман, деб оёқ-қўлини синдириб олади. Э. нимасини айтасиз. Жон Клод Вандам ё Жеке Чанлар ўзимиздаям бор. Фақат уларни кўрмаймиз...»

Мен кўрдим. Чуқурсойда, Лабзакда ва яна бошқа спорт залларида зўр-зўр полвон болалар кўп экан. Улар мақтанмайди. Шунингдек, кўча-кўйда ҳам босиқ ва оғир табиатгина бўлиб юришади. Жуда мураккаб машқларини бир лаҳза кузатган одам ёқа ушлайди. Чунки...

10 ёшли болакай тўрт қаторга тизилиб тўирган тенгқурларининг устидан сакраб икки оёғини икки ёнга ёйиб, ўзини аямай ерга отиб юборса... Ёки яна ўша тўрт қатор «тирик» девор устидан сапчиб ўтиб икки қават тахтани синдирса... ёхуд қоидани бузиб қўйган болакай устозининг қаттиқ жазосини олгач, яна икки қўлини қовуштириб унга қараб «раҳмат» деса, ҳайратга тушмайсизми?

Ундан Ўзбекистонда энг кучли каратэчилар деб кимларни тан олишини сўрадим. Ўйлаб қолди. Бироз жимликдан сўнг айтди: «Кўпчилик. Биринчи навбатда устозим бўлгани учун эмас, балки ўзини ниҳоятда шафқатсиз қийнаб, 5—6 соатлаб тинимсиз машқ билан шуғулланадиган Хўжамқул Хўжақуловни айтаман. Кейин... Раҳим Қодиров, Тарон Авакимянц, Олег Кан, Темур Мироқилов, Баҳодир Романқулов, Бурҳон Раҳмонов, Саид Саидхўжаев Олим Қаюмов, Шуҳрат Элов, Дмитрий Кузнецов... кўп-да, қайси бирини айтай?...»

Ўрганиб қолганмиз-да, ким билан, қайси соҳа одами билан гаплашсак, ё гапнинг ўртасида ё охирида сўраймиз: «Унвонингиз, мукофотлар...» Олгани бўлса биттабитта санайди. Бўлмаса хижолат чекиб «йўқ» деб қўяди. Нурхондан ҳам шу ҳақда сўрадим. У кулди-да, «Менинг совринларимми?.. 300 дан кўпроқ. Ишонмайсизми, унда валларимизга бориб, кузатинг. Кучли-кучли йигит-қизларни кўриб, кейин айтасиз. Катта-кичик мусобақаларда ғолиб чиққан чемпионлар, совриндорлар бор. Лекин ўзлари айтишмайди. Сўраманг. Бизларнинг мукофотимиз... Эшитгансиз-а, қашқадарёлик Исроил полвонни. У кишиям менга устоз. Доим айтарди: «Ўзбекнинг полвонлари пул ё бойлик учунмас, балки шу халқнинг, юртнинг номус-ори учун даврага тушади», деб. Ана шу ўзбекона ориятбизни йўлга солиб туради.

Унинг ўзи ҳам айтмаган экан. Кейин эшитдим. Тўғриси, 10 ёшли, ажойиб иқтидор эгаси Умид болаларга хос оҳангда мақтанди: «Устозимиз «қора белбоғ» ва учинчи ДАН соҳиби»...

ДАРВОҚЕ: шаҳар каратэ федерацияси қолаверса, Нурхон Нафасовнинг ташаббуси билан 27—28 август кунлари мустақиллигимизнинг уч йиллигига бағишлаб пойтахтимиздаги Армия спорт саройида каратэ бўйича катта мусобақа ўтказилади. Бу ўзбек каратэчилари учун ажойиб бир синов мактабини ўтаса, ажабмас.

Норқобил ЖАЛИЛ.

СУРАТЛАРДА: Нурхон ва унинг «совринлари»...

Суратларни **Абдувоҳид ТЎРАЕВ** олган.

«НЕФТЧИ» БЎШ КЕЛМАЯПТИ

● Фарғонада Осиё чемпионлари кубоги учун саралаш учрашувлари давом этмоқда. Бугун якунловчи икки учрашув бўлади.

«Нефтчи» футболчилари Душанбенинг «Ситора» жамоасини қабул қилади. «Нефтчи» жамоаси бугунгача мухлисларни мамнун этиб келмоқда. Улар учта ўйинда ғалабага эришиб, чемпионлар кубогига муносиб даъвогар эканликларини амалда кўрсатдилар. Хусусан, фарғоналиклар «Олға» жамоасини 9:0 ҳисобида ютишган бўлса, «Ансат» дарвозасига жавобсиз учта тўп йўллашди. «Копетдоғ» футболчилари билан ўйинда эса 2:1 ҳисобида устун келдилар. Шундай қилиб, футболчиларимиз сўнгги учрашувда ҳам ҳуваффақият қозонишса, Осиё чемпионлари кубоги учун курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

● «Пахтакор» хотира совринни учун ўтказилган мусобақалар якунланди.

Тошкентда биринчи ўрин учун республика олимпиада ўринбосарлари билим юрти ўсмирлари билан «Пахтакор» жамоаси футболчилари ўзаро курашдилар. Якунловчи бу ўйиннинг асосий вақти 1:1 ҳисобида тугади. 11 метрли жарима тўплари тепиш бўйича билим юрти футболчилари ғалаба қозонишди. Учинчи ўрин Бишкек жамоасига насиб этди. Ғолибларга «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг махсус совринлари топширилди. Бухорода ҳам пахтакорчиларни ёдга олиш ўйинлари бўлиб ўтди. Бу ерда ғолиблик учун «Навбаҳор» ва «Суғдиёна» жамоалари куч синашдилар. Учрашув 4:0 ҳисобида навбаҳорчилар фойдасига ҳал бўлди.

ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Савол: Мен турмуш ўртоғим билан суд орқали ажрашганман, лекин кийимларим, телевизор ва мебелларим унинг уйида қолиб кетган, бермаяпти. Энди нима қилсам бўлади?

З. ИБРОҲИМОВА,
Хива шаҳри.

Жавоб: Сиз юқоридаги мол-мулкларингизнинг рўйхатини тузиб, Хива шаҳар судига ёзма равишда даъво ариза ёзиб мурожаат қилсангиз, Ўзбекистон Никоҳ ва оила кодексининг 27 ва 29-моддаларига асосланиб, тўғри ҳал қилиб берадилар.

* * *

Савол: Бензин беркитиб сотаётганларга нисбатан қандай жазо бор?

Улуғбек МАЖИДОВ,
Самарқанд шаҳри.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Маъмурий-ахлоқий кодексининг 170-моддаси бўйича агарда бензин сотаётган киши биринчи марта қўлга тушса, энг кам иш ҳақи миқдорининг учдан етти баробари миқдорида, жарима солинади. Агар бу жазодан кейин ҳам хулоса чиқармаган бўлса, Ўзбекистон Жиноят кодексининг 180-моддаси бўйича 2 йилгача озодликдан маҳрум қилиниши мумкин ёки энг кам иш ҳақи миқдорининг 15 ёки 20 баробарида жарима солинади.

* * *

Савол: Тепадаги қўшним хонадонимга сув тошириб, катта зарар етказди, таъмирлаб бергин десам, пайсалга соляпти. Нима қилай?

Ҳабибулло НОСИРХЎЖАЕВ,
Андижон шаҳри.

Жавоб: Сиз Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 479-моддасига асосланиб, уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси идорасининг ходимлари орқали акт туздиришингиз, унда таъмирлаш ва зарарнинг пул миқдорини ҳисоблатиб, ўзингиз яшаб турган туман халқ судига ёзма равишда даъво ариза беришингиз керак.

Забихилло МУҲАММАДЖОНОВ,
ҳуқуқшунос.

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ СОВРИНИ КУПОНИ

"ЛИДЕР" КК _____

Прогнозларни қабул қилиш муддати 27 августгача

"Лидер" кичик корхонаси Ўзбекистон футбол клублари билан ҳамкорликда футбол ишқибозлари совринини ўтказади. Ғолибни компьютер аниқлайди. **Турнинг барча натижаларини тўғри айтиб берилган катнашчи 10 000 сўм мукофот олади:** Агар қатнашчилардан ҳеч бири аниқ жавоб тополмаса, 3 та ғолиб ҳақиқатга яқинроқ келган жавобларига кўра аниқланади. Пул мукофотлари қуйидагича тақсимланади:

1- ўрин учун- 3000 сўм
2- ўрин учун- 2000 сўм
3- ўрин учун- 1000 сўм

Бундан ташқари компьютер бутун футбол мавсуми учун натижаларни ҳисоблаб боради ҳамда унинг натижаларига кўра ноябрь ойида 3 та ғолиб аниқланади.

Диққат: турлар оралиғидаги вақт жуда оз ва Сиз жавоб билан кечикиб қолишингиз мумкин. Яъни Сиз жавобингизни турдан икки ҳафта олдин юборганингиз маъқул. Бу сизнинг совринда иштирок этишингизни кафолатлайди, бундан ташқари ҳар бир кун учун қўшимча балл беради.

Совринимиз пуллик. Унда қатнашишингиз учун Сиз телеграф орқали 10 сўмлик тўлов юборишингиз ва буюртмали хатни қуйидаги манзилга жўнатишингизга тўғри келади:

700000, Тошкент ш. Мовароуннаҳр кўчаси, 30, "Лидер" КК.

Диққат: ноябрь ойида телеграф тўлови орқали купоннинг, телеграф тўловингизнинг ва буюртма хатининг ҳақи қайтарилади.

Биз жамоа қатнашчиларни ҳам таклиф этамиз. Пул ўтказиш йўли билан купоннинг ҳақи-50 сўм.

Бизнинг ҳисоб рақамимиз:

000468988. Ўзавиабанк, МФО 172648706

Пулларингизни банк ҳаражатлари билан биргаликда сизнинг ҳисоб рақамингизга ўтказилади. Мукофотлар эса, нақд пул билан тўланади.

Омад ёр бўлсин !

Исмингиз, насабингиз: _____

Уй манзилингиз: _____

Ташкилот номи ва манзили _____

р/с: _____

Тўғри тўртбурчакларда турдаги ўйин натижаларини ёзинг:

Олий лига
28 август
1 [ ] : [ ]
2 [ ] : [ ]
3 [ ] : [ ]
4 [ ] : [ ]
5 [ ] : [ ]
6 [ ] : [ ]
7 [ ] : [ ]
8 [ ] : [ ]

Биринчи лига
27 август
1 [ ] : [ ]
2 [ ] : [ ]
3 [ ] : [ ]
4 [ ] : [ ]
5 [ ] : [ ]
6 [ ] : [ ]
7 [ ] : [ ]
8 [ ] : [ ]

Имзо _____

Купоннинг шу қисмини пулингиз қайтиб келгунча сақланг

Мукофот 10000 сўм

Олий лига
28 август
1 [ ] : [ ]
2 [ ] : [ ]
3 [ ] : [ ]
4 [ ] : [ ]
5 [ ] : [ ]
6 [ ] : [ ]
7 [ ] : [ ]
8 [ ] : [ ]

Биринчи лига
27 август
1 [ ] : [ ]
2 [ ] : [ ]
3 [ ] : [ ]
4 [ ] : [ ]
5 [ ] : [ ]
6 [ ] : [ ]
7 [ ] : [ ]
8 [ ] : [ ]

Имзо _____

КАЛЕНДАРЬ

Олий лига
28 август
1.Нефтчи-Трактор
2.Наврўз-Чирчиқ
3.Пахтакор-Орол
4.Политотдел-Нурафшон
5.Сурхон-МХСК
6.Суғдиёна-Янгиер
7.Навбаҳор-Темирйўлчи
8.Гулистон-Атласчи
31 август
1.Наврўз-Трактор
2.Нефтчи-Чирчиқ
3.Пахтакор-Нурафшон
4.Политотдел-Орол
5.Янгиер-Сурхон
6.МХСК-Суғдиёна
7.Атласчи-Темирйўлчи
8.Гулистон-Навбаҳор

Биринчи лига
27 август
1.Бахт-Зарафшон
2.Кушон-Прогресс
3.Мебелчи-Олтинкўл
4.Йигирувчи-Норин
5.Кимёгар-Машъал
6.Ғазалкент-Насаф
7.Ситора-Локомотив
8.Динамо(С)-Динамо(У)
30 август
1.Кушон-Зарафшон
2.Бахт-Прогресс
3.Йигирувчи-Олтинкўл
4.Мебелчи-Норин
5.Ғазалкент-Машъал
6.Кимёгар-Насаф
7.Динамо(С)-Локомотив
8.Ситора-Динамо(У)

ХУШХАБАР!

УАБ Трейдинг ЛТД

(Тошкент, Қатортол кўчаси,60, Чилонзор . Телефон: 78-30-33.)

Тошкентдаги омбордан "Поло" ва "Ричмонд" сигареталарини СОТАДИ.

BEST AMERICAN TASTE

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш соғлиққа зарарлидир!



Соат 24.00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги идоралари томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш, содир бўлган жиноятларнинг «изини совутмасдан» очиш мақсадида «Қорадори—94», «Ҳосил—94», ҳамда «Тартиб» сингари қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Бугунги хабарларда ички ишлар ходимлари томонидан фош этилган жиноятлардан айримларини келтириб ўтамиз.

САМАРҚАНД. Шаҳарнинг Мустақиллик кўчасида жойлашган савдо растаси ёнида Самарқанд туманидан келиб, долларфурушлик қилаётган кишби қўлга туширилди. У 150 АҚШ долларини 4 минг 350 сўмга пуллаган ҳам эдики, савдоси чаппа кетди. Савдо бузилишига милиция ходимлари сабабчи бўлди.

ФАРҒОНА. Бешариқ туманининг Яккатут қишлоғида яшовчи, қирқ ёшли тракторчи ўзининг «Т-28» русумли тракторида умумий нархи 1 минг 700 сўмлик 1500 килограмм гуручни, Товул қишлоғилик худди шундай трактори бор киши ҳам прицепга юклаб олган 5700 килограмм буғдойни Тожикистонга олиб бориб пулламоқчи бўлаётганларида, аниқроғи ушбу маҳсулотларни қўшни республикага олиб ўтишга уринаётган вақтида ушландилар.

ХОРАЗМ. Урганч шаҳар халқ маорифи бўлими катта методистининг кўпчилик билмайдиган катта «иши» очилиб қолди. Беш кам ярим асрни яшаб қўйган бу аёл ўзидан саккиз ёш кичик «дугонаси»нинг кўкрагига шамол теккизиш мақсадидами унга «Методист ўқитувчи» ва «1-категория ўқитувчиси» каби қўш унвонларни олиб бермоқчи эди. Аммо бунинг эвазига ундан 250 сўм ва «Шарқ» электроплитасини пора сифатида олган пайтда қўлга туширилди.

Ш. РЎЗИЕВ,
милиция лейтенанти.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Конструктор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси конструкторлик тажриба ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи Ширин Соатовага онаси

Муҳайё НИҒМАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Нукусда — 7-58-83;
Бухорода — 3-54-87; Қаршида — 3-25-79;
Гулистонда — 2-26-22; Қўқўғонда — 52-624;
Жиззахда — 3-31-86; Самарқандда — 35-22-90;
Навоийда — 3-74-76; Урганчда — 6-72-60;
Наманганда — 6-43-43; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 21.00.
Г—1086 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: К. РИХСИЕВ, Э. ЭСИРГАДИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. 123456.